

## ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИНИНГ ОЛИЙ ТАЪЛИМ СОҲАСИДАГИ ДАВЛАТ СИЁСАТИГА ТАЪСИРИ: ЎЗБЕКИСТОН МИСОЛИДА

Элмуродов Элдоржон Шодиёрович

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги  
Давлат бошқаруви академияси мустақил тадқиқотчиси  
<https://doi.org/10.5281/zenodo.10045947>

**Аннотация:** Ушбу тезисда, глобаллашув жараёнида Ўзбекистонда айнан олий таълимнинг қайси жиҳатларида давлат сиёсатини такомиллаштириш, унда хориж тажрибасини қўллаш имкониятлари, олий таълимнинг глобаллашув жараёнлари билан ҳамоҳанг равишда миллий таълим ва тадқиқот тизимини такомиллаштириш масалалари таҳлил қилинади. Илмий ишда юқори сифатли таълим ва тадқиқотни ташкил этишда, аниқ мақсадли давлат таълим сиёсатини ривожлантиришда давлат институтлари ва олий таълим муассасалари ҳамда бошқа мутасадди институтлар ўртасидаги муносабат ва мувозанат ўрганилади.

**Калит сўзлар:** глобаллашув жараёни, олий таълим соҳасидаги давлат сиёсати, таълим сифати

Жаҳон миқёсида шиддат билан кечаётган глобаллашув жараёни барча давлатларнинг олий таълим соҳасидаги сиёсатига, хусусан, олий таълим соҳасидаги давлат ва нодавлат ташкилотларнинг иштироки ҳамда олий таълим муассасаларининг фаолиятига кескин таъсир қилмоқда. Олий таълим соҳасида “халқаро стандартлар”, “жаҳон андозаси” ёки “хорижнинг илғор” тажрибаси каби тушунчалар ривожланаётган давлатларда халқаро тажрибани татбиқ этиш, турли таълим дастурларига қўшилиш ёки мавжуд миллий таълим тизимларини ислоҳ қилиш учун мезон сифатида кенг қўлланилмоқда.

Шундай экан, олий таълимнинг глобаллашуви жадал давом этаётган бир пайтда, Ўзбекистон ҳам олий таълим давлат сиёсатида туб бурилиш ва ислохотлар даврини бошидан кечирмоқда. Бу жараён илғор хориж тажрибасини ўрганиш, қиёслаш, таҳлил қилиш ва илмий асосланган ёндашувларни атрофлича ўрганишни талаб этмоқда.

Бугунги кунда олий таълим соҳасидаги ислохотларнинг марказида АҚШ, Европа давлатлари, Япония, Жанубий Корея, Сингапур каби давлатларнинг олий таълим стандартларига мос таълим тизимини жорий қилиш ривожланаётган давлатлар, жумладан, Ўзбекистон учун ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда. Тадқиқотчи олимларнинг илмий ишларида олий таълим жараёни, масофавий таълимни ривожлантириш, қўшма таълим ва тадқиқот лойиҳаларини кенгайтириш, кириш имтиҳонлари ва битирув малака талабларини ислоҳ қилиш масалаларига асосий устувор аҳамият берилмоқда. Барча давлатлар, мақсадли ёки ўзлари англамаган ҳолда, олий таълим соҳасини ислоҳ қилиш ва такомиллаштириш орқали “ягона халқаро таълим тизими”га қўшилиш сари ҳаракатланиб бормоқда.

Ўзбекистонда 2017 йилнинг 18 июлида таълим маконида мутлақо янги бўлган сиёсий иштирокчи ёки давлат органи, яъни Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси ташкил этилган эди. Натижада, деярли 5 йил давомида мамлакатнинг олий таълим соҳасидаги ички ва ташқи таълим сифатини таъминлаш борасида кенг ислохотлар амалга оширилди. Олий таълим сифатини

баҳолашга доир мезонлар, талаблар ва андозалар ишлаб чиқилди. 2022 йилнинг 21 декабрида “Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент фармони давлат бошқарувини, жумладан, олий таълим тизмини янада такомиллаштиришга хизмат қилди. Фармонга асосан, Олий таълим ва ўрта махсус таълим вазирлиги тегишли вазирлик ва идоралар билан қўшилиш натижасида хориж мамлакатлари тажрибаси асосида ислох қилинди. Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясининг тегишли ваколатлари янги ташкил этилган Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигига ўтказилди.

Ўзбекистонда бу борада амалга оширилаётган ишларнинг кўлами давом этмоқда, яъни олий таълим соҳасида таълим сифатини таъминлаш, университетларнинг тадқиқот салоҳиятини ошириш, халқаро стандартларга мос етук кадрларни тайёрлаш, университетларда замонавий илмий лабораторияларни ташкил қилиш кабилар орқали “таълим–илм-фан–ишлаб чиқариш” ўртасидаги интеграция, яъни “Университет 3.0” концепциясини ривожлантиришга оид чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шунингдек, бу жараёнларда республиканинг етакчи иқтисодиёт соҳалари, тегишли тармоқларнинг бевосита иштирокини янада фаоллаштириш ва хориж инвестицияларини жалб қилиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистонда олий таълим соҳасидаги ислохотларнинг меъёрий-ҳуқуқий ва ташкилий асослари қисқа вақт ичида сезиларли мустаҳкамланди: Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни, “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”, 2022-йил 21 декабрдаги ПФ-269-сонл “Янги Ўзбекистон маъмурий ислохотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ва 2020 йил 29 октябрдаги ПФ-6097-сон “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонлари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар шулар жумласидан.

Айни пайтда Ўзбекистондаги олий таълим соҳасидаги ислохотлар глобаллашув жараёнида оммалашган “олий таълим муассасаларининг академик ва молиявий эркинлиги”, “кредит-модуль тизимини жорий этиш”, “қўшма таълим дастурларини ривожлантириш”, “олий таълим соҳасида хусусий шериклик”ни рағбатлантириш ва хориж университетларининг филиалларини очиш каби устувор вазифаларни бажаришни мақсад қилган. Лекин, узоқ йиллар давомида кучли марказлашган тизим (вазирлик) орқали назорат қилинган ва амалга оширилган Ўзбекистондаги олий таълим соҳаси ушбу глобаллашув натижасида кенг татбиқ этилаётган “янги андозалар”ни осонликча қабул қилмаслиги табиий ҳолат ҳисобланади.

Шунинг учун ҳам олий таълим соҳасидаги ислохотларнинг амалга оширишда ва бу соҳада хориж тажрибасини татбиқ этишда, авваламбор, ҳар давлатнинг интеллектуал салоҳияти, миллий давлатчиликнинг ривожланиш тарихи, иқтисодий-ижтимоий ва сиёсий бошқарув хусусиятларини инобатга олиш мақсадга мувофиқ. Ҳар бир

давлатнинг мавжуд миллий стратегиясига мақсадлардан келиб чиқиб, олий таълим соҳасидаги ислохотлар ва чора-тадбирлар амалга оширилиши лозим.

Шу билан бирга, ҳар қандай ислохотларнинг негизида илмий таълимотларни чуқур ўрганилиши ва таҳлил қилиниши ётади. Масалан, 1983 йилда асос солинган америкалик машҳур олим Буртон Кларкнинг “Бошқарувнинг учбурчак модели” (Clark’s Triangle Model) олий таълим бошқаруви соҳасидаги назариялар орасида муҳим аҳамият касб этади. Кларк назариясининг асосий моҳияти – олий таълимни самарали ислох қилиш ва уни ривожлантириш “давлат”, “олий таълим муассасалари” ва “бозор” ўртасидаги мутаносиблик ва мувозанатни оқилона таъминлашга боғлиқ. Демак, глобаллашув жараёнида олий таълим соҳасида турли ислохотлар амалга оширилса-да, улар муайян давлатнинг энг асосий учта иштирокчиси ўртасидаги мувозанат, яъни “ҳукумат”, “олий таълим муассасалари” ва “бозор” муносабатлари иштироки ва уларнинг манфаатлари асосида амалга оширилади.

Демак, хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, глобаллашув жараёнида Ўзбекистонда ҳам олий таълим соҳасидаги ўзгаришлар глобал жараёнлар билан ҳамоҳанг равишда ривожланиб бораверади. Лекин, Ўзбекистонда олий таълим соҳасини халқаро стандартлар асосида ислох қилиш ва хориж тажрибасини жорий қилишда миллий хусусиятлардан, давлатнинг ижтимоий-иқтисодий салоҳияти, миллий менталитети, давлатчилик тарихи ва анъаналари нуқтаи назаридан энг мақбул мезонлар ва самарали ёндашувларни танлаш мақсадга мувофиқ.

Ҳар бир мамлакат олий таълим сиёсатида халқаро андозаларни самарали қўллаши ва илм-фан, технология ҳамда инновациялар тараққиётидаги ҳиссаси билан ўзининг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрнини мустаҳкамламоқда. Шунингдек, олий таълим соҳасидаги тараққиёт нафақат миллий иқтисодиёт ривожининг пойдевори, балки мамлакатнинг халқаро нуфузини оширишга хизмат қилмоқда.

### References:

1. Burton R.Clark. The Higher Education System: Academic Organization in Cross-National Perspective. University of California Press, Los Angeles. 1983
2. D.Braun, Changing governance models in higher education: The case of new managerialism. Swiss Political Science Review, 1999, 5(3), pp.87-100
3. Dobbins M., & Knill, C. Higher education governance and policy change in Western Europe: International challenges to historical institutions. Basintoke: Palgrave Macmillan, 2014.
4. Albach Ph., Knight J. The Internationalization of Higher Education: motivations and realities. Journal of Studies in International Education. 2007. Vol.11
5. Бузуева Ю.С., Карнаухова Е.Е., Сахно А.А. Политическая роль высшего образования в современном мире // Современное педагогическое образование. 2019. №8. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/politicheskaya-rol-vysshego-obrazovaniya-v-sovremennom-mire> (17.01.2023).
6. Elmurodov E. Transformation of higher education policy in Uzbekistan through the prism of internationalization: reality and challenges. «Воспитание нового поколения в

эпоху глобального преобразования: вызовы и перспективы» материалы конференции.

- Ташкент: Baktria press, 2022.- С.:139-141

7. Elmurodov E. Quality Assurance Issues in International Collaboration Programs in Uzbekistan in Higher Education: Dilemmas and Challenges in State Policy. “Таълимдаги халқаро тадқиқотларнинг Янги Ўзбекистон тараққиётидаги ўрни” мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция мақолалар - тўплами. Тошкент: Таълим сифатини баҳолаш бўйича халқаро тадқиқотларни амалга ошириш миллий маркази, ISBN 978-9943-6960-7-5, 2022.. P.: 252-256

8. Э.Элмуродов. Ўзбекистон олий таълим муассасаларида халқаро стандартларни жорий қилишдаги мавжуд муаммолар ва ечимлар. Oriental Renaissance: innovative, educational, natural and social sciences VOL2. Issue 12. 2022. - P.: 1415-1431

9. Э.Элмуродов. Ўзбекистон олий таълим тизимида халқаро стандартларни қўллаш масалалари Имом Бухорий сабоқлари, 2023. 1-сон. ISSN 2181-4791. – Б. 130-139



INNOVATIVE  
ACADEMY